

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

384 Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263

(2011 йил 19 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3202-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 12-модда) ва 2007 йил 20 июлдаги «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарининг хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3897-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 299-модда) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 7-8-сон, 63-модда) ва 2007 йил 24 июлдаги «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 151-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 307-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2003 йил 16 июлдаги «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 86, 01/06-7-сонли қарори (рўйхат рақами 1262, 2003 йил 1 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 15-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 4 мартдаги «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 38, 01/06-04-сонли қарори (рўйхат рақами 1262-1, 2004 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 180-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 25 январдаги «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 7, 01/06-18/01-сонли қарори (рўйхат рақами 1262-2, 2006 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 8-сон, 56-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 37, 01/12-18/08-сонли қарори (рўйхат рақами 1262-3, 2007 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 204-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 11 август,
51-сон

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 11 август,
01/12-18/05-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат мулкни
бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил
11 августдаги 51, 01/12-18/05-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик
жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи
(«олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи
тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ–3202-сон «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 12-модда), 2007 йил 20 июлдаги ПФ–3897-сон «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 299-модда) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 7-8-сон, 63-модда) ва 2007 йил 24 июлдаги 151-сон «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 307-модда) қарорларига мувофиқ давлат улушини бошқариш ва давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш фаолияти бўйича кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат улуши ишончли бошқарувга берилган (давлат ва хўжалик бошқаруви органларига берилган ҳоллар бундан мустасно) акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларга (кейинги ўринларда хўжалик жамиятлари деб юритилади) ҳамда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») киритилган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

давлат вакили — Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарорига асосан тайинланган ва акциядорлик жа-

миятларида акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқини («олтин акция») қонунчилик асосида амалга оширувчи жисмоний шахс;

давлат улуши — давлатга тегишли бўлган акциядорлик жамиятлари акциялари ва масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав жамғармасидаги улушлар;

ишончли бошқарувчи — давлат улушини ишончли бошқариш шартномаси тузилган давлатнинг ишончли вакили, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ёки тижорат банки;

хизматлар ҳақи тўлови — давлат улушини бошқариш бўйича қатъий белгиланган мукофот.

II. Ишончли бошқарувчи ва давлат вакили хизматлари ҳақи тўловини шакллантириш манбалари

3. Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақини тўлаш учун маблағлар манбаи ҳисобот йилидаги давлат улуши бўйича давлат бюджетига тушган дивидендлар ҳисобидан шаклланади. Бунда, ҳисобот йилининг тўртинчи чораги учун хизмат ҳақи ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида давлат бюджетига ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида, ҳисобот йилида давлат бюджетига дивидендлар тушумидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақини тўлаш учун мўлжалланган, ҳисобот йилида давлат бюджетига тушган давлат улуши бўйича дивидендлар етарли бўлмаганда ёки улар тушмаган (ҳисобланмаган) тақдирда, хизмат ҳақини тўлаш учун хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағларнинг бир қисмидан фойдаланилади.

4. Ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақи ва мукофот Давлат мулк қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош бошқармасининг Тошкент шаҳридаги Ҳисоб-касса марказида хизмат ҳақини тўлаш учун очилган алоҳида субсчётидан амалга оширилади.

5. Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар йили давлат улушларини бошқариш харажатлари сметаси лойиҳасини шартномалар ва давлат улушларини ишончли бошқарувга босқичма-босқич бериш ҳамда «олтин акция» киритиш графиги, шунингдек ишончли бошқарувчиларнинг чораклик ҳисоботлари асосида чоракларга бўлган ҳолда ишлаб чиқилади.

6. Давлат мулки қўмитаси ишончли бошқарувчилар ва давлат вакилларига хизмат ҳақи ва мукофот тўлови харажатлари сметаси бўйича ҳисобкитобларни 1 июлдан кечиктирмай келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади.

7. Ишончли бошқарувчилар Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл ва муддатларда давлат улушларини бошқариш фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни Давлат мулки қўмитасига топширади.

Давлат вакили бир пайтда давлат улушининг ишончли бошқарувчиси

вазифасини бажарган тақдирда, у бу ваколатлари ижроси тўғрисида Давлат мулк қўмитаси тасдиқлаган муддат ва тартибда алоҳида ҳисоботлар топширади.

8. Топширилган ҳисоботлар таҳлили асосида Давлат мулки қўмитаси ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари хизматлари ҳақи ва мукофот тўлови бўйича сметани тўлаш манбаларини кўрсатган ҳолда тайёрлайди ва ҳисобот давридан кейинги иккинчи ойнинг 5-санасигача Молия вазирлигига тақдим этади.

Бунда, ҳисобот йилининг тўртинчи чораги бўйича ишончли бошқарувчилар хизматлари ҳақи ва мукофот тўловлари сметаси улар томонидан белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитасига топширилган йиллик ҳисоботлар асосида тайёрланади ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 мартигача Молия вазирлигига тақдим этилади.

9. Тақдим этилган смета асосида Молия вазирлиги 10 иш куни ичида ишончли бошқарувчилар хизмати ҳақлари ва мукофотларини тўлаш учун сметага киритилган хўжалик жамиятларидан давлат улуши бўйича тушган дивидендлар ҳисобидан Давлат мулки қўмитаси субсчётига маблағларни ўтказиши.

Давлат мулки қўмитаси давлат улушларини бошқариш чораклик хизмат ҳақларини ва мукофот тўловини қуйидагича амалга оширади:

а) давлат улушлари бўйича бюджетга тўланган дивидендларнинг қисми ҳисобига Молия вазирлиги томонидан ўтказилган маблағлар ҳисобидан, Давлат мулки қўмитаси субсчётига тегишли маблағлар келиб тушган пайдан бошлаб 10 банк иш куни ичида;

б) хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлар ҳисобидан Давлат мулки қўмитаси субсчётига тегишли маблағлар келиб тушган пайдан бошлаб 10 банк иш куни ичида, агар;

хизматлар ҳақи тўлашда давлат улуши бўйича дивидендлар етарли бўлмаса;

давлат улуши бўйича дивидендлар Ҳукумат қарорларида кўрсатилган бошқа мақсадларга йўналтирилган тақдирда;

акциядорлик жамияти умумий йиғилиши (қатнашчилар йиғилиши) томонидан дивидендларни корхонани реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтириш бўйича қарор қабул қилинганда;

ҳисобот даврида ҳақиқатда жамият томонидан дивидендлар тўланмаган тақдирда;

акциядорлик жамияти томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 60-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда) мувофиқ дивидендлар тўлашдаги чеклаш сабабли тўланмаганда;

масъулияти чекланган жамият томонидан «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-

си, 2002 й., 1-сон, 10-модда) 26-моддасига мувофиқ фойдани тақсимлашдаги чеклаш сабабли.

Давлат мулки қўмитаси хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлар ҳисобидан тўланиши лозим бўлган тегишли маблағларни хизматлар ҳақини тўлаш учун субсчётга ўтказди.

10. Хизмат ҳақи ва мукофот тўловлари Давлат мулки қўмитаси субсчётига ўтказилгандан кейин Давлат мулки қўмитаси бу ҳақда, шунингдек шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ҳақида (тўлов биринчи марта амалга оширилаётган бўлса) ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари езма равишда хабардор қилади.

Ишончли бошқарувчилар ва давлат вакиллари хизмат ҳақини ва мукофот тўловларини тўлаш Давлат мулк қўмитаси томонидан уларнинг банкдаги шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақларига тегишли маблағларни ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

11. Хизмат ҳақини тўлаш учун назарда тутилган, Давлат мулки қўмитаси субсчётида 90 кундан ортиқ туриб қолган, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари томонидан талаб қилинмаган ҳамда Давлат мулки қўмитасига тегишли ҳужжатларни тақдим этмаганликлари сабабли уларнинг шахсий ҳисобварақлари ёки ҳисоб-китоб варақларига ўтказилмаган пул маблағлари Давлат мулки қўмитаси махсус ҳисоб рақамига қайтарилади.

Бунда, хизмат ҳақини ва мукофот тўловларини тўлаш учун давлат бюджетидан юборилган маблағлар тўлалигича давлат бюджетига қайтарилиши лозим.

Агар ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг вакиллари томонидан 90 кундан кейин хизмат ҳақи тўловини сўраб мурожаат қилинса, пул маблағлари тўлови мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Ишончли бошқарувчилар хизматига ҳақ тўлашнинг ҳисоб-китоблари

12. Агар улуш тўлиқ чорак давомида бошқарилмаган бўлса, ишончли бошқарувчиларга хизмат ҳақи улуш ҳақиқатда бошқарилган давр (ишончли бошқарув шартномаси кучга кирган вақтдан кунлар сони) учун ҳисобланади.

13. Стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларида инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга (тижорат банкларига) ҳисобот чораги учун давлат улушини бошқариш хизмати ҳақи тўлови энг кам иш ҳақининг тўрт баробарини мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларида давлатнинг ишончли вакилларга ҳисобот чораги учун давлат улушини бошқариш хизмати ҳақи тўлови энг кам иш ҳақининг икки баробарини мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

14. Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятларида инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга (тижорат банкларига) ҳисобот чораги учун давлат улушини бошқариш хизмати ҳақи тўлови энг кам иш ҳақининг икки баробарини мазкур Низомнинг 2-илоvasида келтирилган тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятларида давлатнинг ишончли вакилларига ҳисобот чораги учун давлат улушини бошқариш хизмати ҳақи тўлови энг кам иш ҳақининг бир ярим баробарини мазкур Низомнинг 2-илоvasида келтирилган тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

15. Ишончли бошқарувчиларга ҳисобот чораги учун хизмат ҳақи тўлови ва йил якуни бўйича мукофот қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

белгиланган муддатларда давлат улушини бошқариш фаолияти бўйича ҳисоботларни топширмаган ёки тўлиқ топширмаган ва дивидендларнинг тегишли қисмини тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномалари нусхаларини (агар тўловлар амалга оширилган бўлса) тақдим этмаган ҳолатда;

аввалги чоракка нисбатан давлат улушига ҳисобланган дивидендлар бўйича муддати ўтган қарздорлик кўпайганда;

ишончли бошқарув шартномаси кучга киргандан бошлаб олти ойдан ортиқ вақт ўтганда зарарлар мавжуд бўлса.

16. Қуйидаги ҳолларда ишончли бошқарувчиларга ҳисобот чораги учун хизмат ҳақи тўлови тегишли 0,6 пасайиш коэффициентига кўпайтирилади:

жамиятнинг давлат улушига ҳисобланган дивидендлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса;

жамият томонидан унинг бизнес-режасида назарда тутилган соф фойданинг чораклик прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган бўлса.

17. Ишончли бошқарувчиларга ҳисобот чораги учун хизмат ҳақи (асосий) тўловидан ташқари йил якуни бўйича олинган соф фойда миқдори жамиятнинг бизнес-режасида назарда тутилган соф фойдадан ва ўтган йил бўйича олинган соф фойдадан ошса, давлат улушига ҳисобланган ва тўлаб берилган дивидендларнинг 2% миқдорида (энг кам иш ҳақининг 25 баробаридан ошмаган ҳолда) мукофот тўланиши мумкин.

IV. Давлат вакиллари хизматига ҳақ тўлашнинг ҳисоб-китоблари

18. Давлат вакиллари хизмат ҳақи тўлови шартнома кучга кирган пайдан бошлаб ишланган кунларга мутаносиб равишда ҳисобланади.

19. Давлат активларини ишончли бошқаришни ҳам амалга оширувчи давлат вакилига ишончли бошқарувчилар учун ушбу Низомда назарда тутилган тартибда хизмат ҳақи тўланади.

20. Акциядорлик жамиятида фақат давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)ни бошқаришни амалга оширувчи давлатнинг вакиллари улар томонидан Давлат мулки қўмитасига йил якуни бўйича белги-

ланган тартибда ҳисобот топширилиб, қонун ҳужжатлари талаблари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Кузатув кенгашининг мажлисларида албатта шахсан қатнашишини инobatга олиб бир йилда бир мартаба хизмат ҳақи тўланади.

21. Тўловлар хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлар ҳисобидан акциядорлик жамияти жойлашган жойдан келиб чиқиб, қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилади:

Т/р	Ҳудудлар номи	Давлат вакили хизмати ҳақини тўлашнинг ҳисобкитоби
1.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	$(A + B) * 5 \text{ ЭКИХ}$
2.	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари	$(A + B) * 4 \text{ ЭКИХ}$
3.	Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари	$(A + B) * 3 \text{ ЭКИХ}$
4.	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари	$(A + B) * 2 \text{ ЭКИХ}$
5.	Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари	$(A + B) * 1 \text{ ЭКИХ}$
6.	Тошкент шаҳри	$(A + B) * 0,5 \text{ ЭКИХ}$

Бунда:

А — давлат вакили иштирок этган ва овоз берган Кузатув кенгаши мажлислари сони;

Б — давлат вакили иштирок этган ва овоз берган Акциядорларнинг умумий мажлислари сони;

ЭКИХ — смета тузилган даврдаги энг кам иш ҳақи.

Акциядорлик жамияти ва давлат вакили битта ҳудудда жойлашган тақдирда, хизмат ҳақи тўлови қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$(A + B) * 0,5 \text{ ЭКИХ}$$

22. Давлат вакилларига йил якуни бўйича хизмат ҳақи қуйидаги ҳолларда тўланмайди:

белгиланган муддатларда ҳисоботларни топширмаган ёки тўлиқ топширмаганда;

давлат вакили томонидан ҳисобот йили давомида давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари барта- раф этилган тақдирда (агарда уларни барта- раф этиш мумкин бўлса) ва давлат вакили томонидан хизмат ҳақи тўлаш шартларига риоя этилса, хизмат ҳақи кейинги йилдан бошлаб тўланади.

Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг
устав фондларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш
фаолияти хизмат ҳақи тўловини белгилловчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Ишончли бошқарувга берилган давлат улушининг миқдори (млн сўм)	Коэффициент
1.	10 гача	5,0
2.	20 гача	5,5
3.	30 гача	6,5
4.	40 гача	7,5
5.	50 гача	8,5
6.	60 гача	9,5
7.	70 гача	10,5
8.	80 гача	11,5
9.	90 гача	12,5
10.	100 гача	13,5
11.	200 гача	14,0
12.	300 гача	14,5
13.	400 гача	15,0
14.	500 гача	15,5
15.	600 гача	16,0
16.	700 гача	16,5
17.	800 гача	17,0
18.	900 гача	17,5
19.	1000 гача	18,0
20.	1000 дан кўп	18,5

Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш фаолияти хизмат ҳақи тўловини белгиловчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Ишончли бошқарувга берилган давлат улушининг миқдори (млн сўм)	Коэффициент
1.	10 гача	4,5
2.	20 гача	5,0
3.	30 гача	5,5
4.	40 гача	6,0
5.	50 гача	6,5
6.	60 гача	7,0
7.	70 гача	7,5
8.	80 гача	8,0
9.	90 гача	8,5
10.	100 гача	9,0
11.	200 гача	9,5
12.	300 гача	10,0
13.	400 гача	10,5
14.	500 гача	11,0
15.	600 гача	11,5
16.	700 гача	12,0
17.	800 гача	12,5
18.	900 гача	13,0
19.	1000 гача	13,5
20.	1000 дан кўп	14,0